

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ МАHSULOTLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI

"ЎЗДАВНЕФТGAZ INSPEKSIYA"

Б У Й Р У Қ № 8 – и/ч

2017 йил 30 январь

Тошкент шаҳри

"Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ - 419 - сон Қонуни ижросини таъминлаш ҳақида"

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни ижросини "Ўздавнефтгазинспекция" тизимида ташкил этиш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.

2. "Ўздавнефтгазинспекция" тизимида коррупцияга қарши курашиш ва кадрларни танлаш бўйича ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳга:

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонунидан келиб чиқиб жорий йилнинг 1 февралига қадар "Ўздавнефтгазинспекция"нинг 2017 йилда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин;

инспекция фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, тизимнинг самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мунтазам равишда йиғилишларда танқидий муҳокама этиб борилсин;

инспекция фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш юзасидан ходимлар ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилсин;

инспекция ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказиб бориш тизими йўлга қўйилсин;

инспекция ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтариш тизими жорий этилсин;

бир ой муддат ичида инспекция фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга ошириш юзасидан самарадорликни баҳолаш бўйича Низом ишлаб чиқилсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини кўриб чиқилишида коррупцияга қарши ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари кўрилсин;

инспекциянинг штат жадвали бўйича вакант ўринларга мутахассисларни белгиланган тартибда қабул қилиш жараёнида очиқлик ва холисликни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ суҳбатидан ўтказиш ишларига қатъий амал қилинсин;

мунтазам равишда “ишонч телефони”, аноним сўровномалар ўтказиш орқали инспекциядаги ҳолатни чуқур таҳлил қилган ҳолда коррупцияни келиб чиқиши олдини олиш, уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш тизими йўлга қўйилсин ва амалга оширилаётган ишлар ишчи гуруҳ йиғилишларида танқидий муҳокама қилинсин;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича инспекция ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказиш ташкил этилсин;

инспекциянинг фаолиятига оид мақолалар ва бошқа маълумотлар бўйича хизматлар кўрсатиш тизимига жойлаштириш бўйича материалларни ишчи гуруҳда ўрганиб чиқилганидан сўнг инспекциянинг веб-сайтига жойлаштириш ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Миллий Телерадиокомпания билан биргаликда оммавий ахборот тизимларида ёритиш ишлари амалга оширилсин.

4. Кадрлар тайёрлаш бўйича бош мутахассис (Бердиев)га:

инспекциянинг штат жадвали бўйича вакант ўринларга мутахассисларни қабул қилишда уларни белгиланган тартибда ишчи гуруҳ суҳбатидан ўтганидан сўнг ҳужжатларни расмийлаштириш тизими давом эттирилсин;

инспекциянинг 2014 йил 8 сентябрдаги 78-и/ч-сон буйруғига асосан марказий ва ҳудудий бўлимларнинг ходимлари этикаси, ишга келиш ва кетиш вақтлари, иш жойида ўзини одобли тутиши ҳамда иш вақтида нима иш билан шуғулланаётганлигини устидан доимий равишда назорат олиб борилсин ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан раҳбарга маълумот киритилсин.

5. АКТни тадбиқ этиш ва ривожлантириш бўлими бош технологи (Хамидов)га:

Ишчи гуруҳ тавсиясига асосан веб-сайтга инспекциянинг фаолиятига оид мақолалар ва бошқа маълумотларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Миллий Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда материалларни оммавий ахборот тизими орқали ёритиб борилсин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан барча турдаги рухсат бериш ва лицензиялаш фаолияти бўйича тушган мурожаатларни белгиланган тартибда Ягона портал орқали қабул қилиш тизимини жорий этиш таъминлансин;

6. Ҳудудий бўлимлар бош технологлари (Убайдуллаев, Кимсанбоев, Бахронов, Хидиров, Мардонов, Аминов, Мамадалиев, Махсумов, Ўралов, Мирзоев, Якубов, Бекчанов, Тўлаев, Бойбоев, Қанаатов)га:

“Ўздавнефтгазинспекция” томонидан 2017 йилда коррупциянинг олдини олишга доир ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасини муддатида бажарилиши таъминлансин;

“ишонч телефони” орқали жисмоний ва юридик шахслар томонидан инспекциянинг ходимлари бўйича мурожаатлар келиб тушганда зудлик билан унинг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар кўрилсин ва раҳбариятга ахборот берилсин;

мунтазам равишда ҳудудий бўлимдаги ҳолатни чуқур таҳлил қилган ҳолда коррупцияни келиб чиқишини олдини олиш, уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича инспекциянинг ишчи гуруҳи (Бердиев, Машарипова)га ҳар ойда ёзма равишда ахборот берилсин;

ҳудудий бўлим ходимлари ўртасида доимий равишда коррупцияни олдини олиш юзасидан профилактика ишлари олиб борилсин;

ҳудудий бўлимлар штат жадвали бўйича вакант ўринларга мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилишда уларнинг малакаси, касбий маҳорати ва тажрибасини ўрганиб чиқиб, ишчи гуруҳга расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тавсиялар киритиб борилсин;

инспекциянинг фаолиятига оид мақолалар ва бошқа маълумотлар бўйича хизматлар кўрсатиш тизимига жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича материалларни кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳ (Ҳамидов)га тақдим этилсин;

ҳудудий бўлим томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ойнинг 5 санасига ишчи гуруҳга ёзма равишда ахборот берилсин;

ушбу буйруқни бўлимнинг барча ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинсин ва амалга оширилган ишлар юзасидан Таҳлил, нормативлар ва ишларни ташкил этиш бўлими (Машарипова)га маълумот ёзма равишда тақдим этилсин.

7. "Ўздавнефтгазинспекция"нинг 2015 йил 25 майдаги 67-и/ч-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Таҳлил, нормативлар ва ишларни ташкил этиш бўлими (Джураев)га: ушбу буйруқни ижро этиш учун марказий аппарат, марказий инспекторлик ва ҳудудий бўлимларга етказилсин.

9. Мазкур буйруқ бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни.

Бошлиқ



Л.Акбарходжаев

“Ўздавнефтвазинспекция” тизимида коррупцияга қарши курашиш ва
кадрларни танлаш бўйича ишчи гуруҳ

Таркиби

№	ФИО	Лавозими
1	Акбарходжаев Лазизхон Турапович	Бошлиқ, гуруҳ раҳбари
2	Маҳмудов Нажим Исломович	Бошлиқ ўринбосари, гуруҳ раҳбари ўринбосари
3	Бердиев Камолитдин Усмонович	Кадрлар бўйича бош мутахассис, котиб
4	Исмаилов Хикматулла Исмамович	Инспекция бош технологи, аъзо
5	Нарбеков Шухрат	Инспекция бош технологи, аъзо
6	Маннанов Раҳматулла Суннатович	Таҳлил, нормативлар ва ишларни ташкил этиш бўлими бош технологи, аъзо
7	Ҳамидов Манноб Маратович	АКТни тадбиқ этиш ва ривожлантириш бўлими бош технологи, аъзо
8	Машарипова Мадина Ҳасановна	Юрисконсулт, аъзо
9	Маҳаматов Рихсивай Гулямович	Касаба уюшма қўмитаси раиси, аъзо

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, гуруҳ таркибига уларнинг ўрнига янгидан тайинланган шахслар киритилади.